

---

## **МАРЖОНАГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ**

ФЕВРАЛЬ ОЙИДА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ, ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНинг ВИЛОЯТ БЎЛИМИ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ, ВИЛОЯТ АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ ҲАМКОРЛИГИДА  
“НАВОИЙХОНЛИК ОЙЛИГИ”ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ЭДИ.

ушбу ойликда уч йўналишда “Навоийга эҳтиром” иншолар танлови, “Навоий издошлари” онлайн танлови, “Навоий ғазаллари билимдони” танловлари ўтказилди. Туманимиздаги 2-ИДУМнинг 9 “А” синф ўқувчиси Маржона Иброҳимжонова ана шу ойликнинг “Навоийга эҳтиром” йўналишида иштирок этди. У ғазал мулкининг султони ҳазрат бобомизга ўз эҳтиромини иншосида баён этди.-  
Бу иншони ёзишимда менга ўқитувчимиз Соҳиба Тоҷиева катта ёрдам берди, - дейди Маржона Иброҳимжонова биз билан сұхбатда. Устозимнинг ёрдами, уларнинг қўллаб-қувватлаши билан иншони ёзиб, танлов ҳайъатига жўнатдим. Куни кеча танловнинг вилоят босқичи якунланди.  
Маржона бу танловда 1-ўринни эгаллади. Ташкилотчилар томонидан ғолибларга 25 та энг сара адабиётлар тўплами, планшет ва бошқа эсдалик совғалари топширилди.  
Г. ИСОҚЖОНОВА, ЎзДЖТУ талабаси.

2021-06-11 15:33:05